

**МММК фани
4-ЛЕКЦИЯ.**

МАВЗУ:

**ТИЗИМ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШДА ИНСОННИНГ
ПСИХОЛОГИК**

КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ.

Режа:

1. Хавфсизлик психологияси.
2. Инсон руҳий фаолиятини ташкил қилувчи компонентлар.
3. Турли моддаларнинг инсон руҳиятига ва хавфсизлигига таъсири.

Тажрибаларнинг кўрсатишича ишлаб чиқаришдаги авариялар ва жароҳатланишларнинг кўпчилиги машиналардаги инженерлик-конструкторлик нуқсонлар, яъни техник-технологик сабаблар орқали эмас, балки ташкилий-психологик, яъни, хавфсизлик техникаси бўйича етарли билимга эга бўлмаслик, етарли даражада ўқитилмаслик, ишчининг билиб-билмай хавфсизлик қоидаларига амал қилмаслиги, хавфли ишларга махсус ўқишлардан ўтмаганларга рухсат бериш, ишга мутахассислик бўйича қабул қилмаслик ва шу каби қатор сабаблар таъсирида юз беради.

- Шу сабабли, кўпинча жароҳатланишларнинг 60-90 % га бевосита жароҳатланувчиларнинг ўзлари айбдор бўлади.
- Замонавий ишлаб чиқариш шароитида бахтсиз ҳодисаларни (жароҳатланишлар, шикастланишлар, касалланишлар, ёнғинлар, авариялар ва б.) камайтириш муаммосини фақатгина инженерлик услублари орқали ҳал этиб бўлмайди.
- Шу сабабли, меҳнат хавфсизлиги психологияси фаолият хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Жароҳатланишлар асосида ётадиган ташкилий–психологик сабаблар:

- касбий тайёргарликнинг паст даражадалиги;
- хавфсизлик масалалари бўйича тайёргарликнинг паст даражадалиги;
- хулқий тарбиянинг етарли эмаслиги;
- хавфсизлик масалаларини назорат қилишга мутахассисларнинг етарли даражада қўйилмаслиги;
- жароҳат олиш хавфи юқори бўлган шахсларнинг хавфли ишларни бажаришга қўйиш;
- одамларнинг ишга фаоллик даражасини пасайтирувчи чарчаган ва турли психологик салбий ҳолатларида келиши ва бошқа.

Меҳнат хавфсизлиги психологияси

- Фаолият хавфсизлиги психологияси деганда инсон фаолияти хавфсизлигини таъминлаш учун психологик билимларни қўллаш тушунилади.
- Меҳнат хавфсизлиги психологияси – психологик илмнинг бир соҳаси сифатида катта аҳамиятга эга.
- У ижтимоий-тарихий ва аниқ ишлаб чиқариш шароитига, меҳнат қуролларига, меҳнатга ўқитиш усулларига ва ишловчиларнинг шахсий психологик сифатларига боғлиқ ҳолда ҳар-хил турдаги меҳнат фаолиятининг психологик афзалликларини ўрганади.

- Меҳнат психологиясининг ўрганиш объекти нафақат меҳнат фаолияти ва меҳнат хавфсизлиги бўлмасдан, балки меҳнаткашларнинг шахсий афзалликлари, қисман – уларнинг касбий қобилиятлари, меҳнат фаолиятида амалга ошириладиган аниқ ишлаб чиқариш муҳити, меҳнатдаги шахслараро муносабатлар, предметлар, қуроллар, меҳнат маҳсулотлари ва ишлаб чиқаришга ўқитишнинг усуллари ҳисобланади.
- Меҳнат психологиясининг **асосий масаласи** – фаолиятнинг инсон учун осон, енгил ва хавфсиз бўлишига, унинг хурсандчилик олиб келишига, корхоналардаги инсоний муносабатларнинг гармоник ва фаол бўлишига ёрдам беришдир.

Хавфсизлик психологияси нимани ўрганади?

- Хавфсизлик психологияси – **психологик жараёнлар ва психологик хусусиятларни** ўрганади ва меҳнат фаолияти жараёнида кузатиладиган психологик ҳолатларнинг турли хил шаклларини тўлиқ таҳлил қилади.
- Психологик фаолият структурасида 3 та асосий гуруҳни ташкил қилувчилар ажратилади:
 - **психологик жараёнлар;**
 - **психологик хусусиятлар;**
 - **психологик ҳолатлар.**

Психологик фаолият структурасини ташкил қилувчиларнинг моҳияти:

- **Психологик жараёнлар** - психологик фаолиятнинг асосини ташкил қилади. Буларсиз билимнинг вужудга келиши ва ҳаёт тажрибасини орттириш мумкин эмас. Психологик жараёнларнинг билишлик, эмоционал ва иродавий турлари мавжуд (сезиш, зеҳнлаш, эслаш ва ҳакоза).
- **Психологик хусусиятлар** (шахс сифати) - шахс хусусияти – бу унинг муҳим афзалликлари (характери, темпераменти, йўналиши). Шахснинг сифатлари ичида интеллектуаллик, эмоционаллик, ирода, ахлоқ ва меҳнат ажралиб туради. Яна буларга барқарорлик ва доимийлик хусусиятлари киради.
- **Психологик ҳолатлар** - турли–туманлик ва вақтинчалик характери билан ажралади, у аниқ даврда психологик фаолиятнинг афзалликларини аниқлайди ва бутун психологик жараёнлар давомида ижобий ёки салбий баён қилиниши мумкин.

Инсон фаолияти самарадорлигининг психик кучланиш даражасига боғлиқлиги

- Психик кучланиш ошиши маълум чегарагача меҳнат натижаларига ижобий таъсир қилади.
- Лекин фаоллашишнинг критик даражагача кўтарилиши меҳнат натижаларининг пасайишига, баъзан ишчанликнинг тўла йўқолишига олиб келади.
- Психик кучланишнинг меъёридан ошган шакли **чегарадан чиқиш** дейилади. Юкланиш чегарадан ошганда иш қобилиятининг пасайиши кузатилади.
- Инсоннинг нормал юкланиши максимал юкланишга нисбатан **40-60 %** дан ошмаслиги керак.
- Психик кучланишнинг чегарадан чиққан шакллари психик фаолиятнинг ҳар хил таркибий қисмларга ажралишига, (дезинтеграцияланишига), биринчи навбатда инсонга хос **психик иш қобилияти даражасининг пасайишига** олиб келади.
- Психик кучланишнинг жуда аниқ ифодаланган шаклларида ҳаракат координацияси ва чаққонлиги йўқолади, балки ҳаракатнинг самарасиз шакллари ва бошқа салбий ҳолатлар пайдо бўлади.

Психологик омиллар ва бахтсиз ҳодисаларнинг пайдо бўлиш қонунияти

Ишловчиларнинг бахтсиз ҳодисалар хавфи
остида қолишини кучайтирувчи психологик
омиллар иккита катта гуруҳга бўлиниши
мумкин:

- *ишчиларнинг хавф остида
қолишини кучайтирувчи барқарор
омиллар;*
- *ишловчиларнинг хавф остида
қолишини вақтинча кучайтирувчи
омиллар.*

Ишчиларнинг хавф остида қолишини кучайтирувчи барқарор омиллар:

- инсоннинг асаб системасида ёки бошқа аъзоларидаги доимий функционал ўзгаришлар;
- нерв системаси олий бўлимларининг ҳаракатланувчи марказлари билан сенсори ўртасидаги алоқаларнинг бузилиши;
- ҳаракат координаталарининг мослашишида содир бўладиган нуқсонлар;
- арзимас ташқи қўзғатувчига нисбатан ўткир эмоционал реакция;
- ичкиликка, чекувчиликка мойиллик (қизиқиш);
- ишдан қониқмаслик, унга нисбатан қизиқишнинг йўқлиги.

Ишловчиларнинг хавф остида қолишини вақтинча кучайтирувчи омиллар

Бу омилларга иш жараёнининг маълум даврида пайдо бўладиган ва бир неча соат ёки минутларда ҳисобланган қисқа вақт ичида одам ҳулқ- атворига таъсир қиладиган психологик омиллар киради:

- тажрибасизлик;
- эҳтиёткорсизлик;
- чарчаш:
 - физиологик чарчаш;
 - психик чарчаш;
 - депрессия.

Чарчашни камайтириш тадбирлари:

- Иш жараёнида қисқа танаффуслар қилиш;
- Танаффусларда фаол дам олишни ташкиллаштириш;
- Самарали тадбирлар асабни тинчлантириш хоналарида ва ҳаёт тарзини тўғри ташкил қилишда амалга оширилиши мумкин.
- Толиқишнинг олдини олишда рационал ишчи ҳолат (поза) ва тўғри ташкиллаштирилган иш жойи катта роль ўйнайди.

- **Мускулларни фаол кучланишнинг минимуми ҳисобига ушлаб туриладиган, эркин, таранг бўлмаган ҳолатлари *рационал поза* деб аталади.**
- **Физиологик жиҳатдан жуда маъқул бўлган поза ўтириб–туриб ишлаш, бунда ишчининг ўзига қулай позани танлашга, ишловчи мускуллар гуруҳларини ўзгартишга, тўхтаб қолган қисмларда (аъзоларда) қон айланишини тиклашга ёрдам беради. Бундай поза бир хил (монотон) ишларда алоҳида кўрсатилади.**

Назорат саволлари

- Операторнинг қанақа функционал ҳолатлари мавжуд?
- Инсоннинг асаб системасида ёки бошқа аъзоларидаги доимий функционал ўзгаришларни келтириб чиқарувчи омиллар.
- Ишловчиларнинг хавф остида қолишини вақтинча кучайтирувчи омилларга нималар киради?
- Физиологик чарчаш нима?
- Психик чарчаш нима?
- Депрессия нима?

Уйга топшириқ: Хавф остида қолишни кучайтирувчи барқарор ва вақтинчалик омилларни кластер бўйича кенгайтириш.

